# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 17 YANVAR, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№9 (6.534). Sotuvda erkin narhda


## БУГУНГИ СОНДА

### КАТТАҚЎРҒОН ҒАЛВАЛАРИ

Киши шу зорманда курсини маълум бир нархга сотиб олди, дейлик. У биринчи ишини нимадан бошлайди, албатта харажатни қоплашдан, эски техникани талабгор топилса, сотишга интилади. Талабгор эса ҳамиша бор қишлоқда. Янги раисга ер сўраб келадиган ҳам топилади. Демак, ер сотилади, сўнг ёнилғи, ўғит, уруғлик.

(1-2-саҳифаларда)



### ЭЪЗОЗЛИ КАСБ

(1-4-саҳифаларда)

### ДАРЗ КЕТАЁТГАН ТАРБИЯ

Жамоат жойларда истаганча номаъқулчилик қилаётган йигит-қизларнинг ҳам тарбияси қаердадир дарз кетган. Бўлмаса, бундай хатти-ҳаракатлар мусулмон фарзандига тўғри келадими? Баъзи кимсалар бу каби ҳолатларни "севги-да, севишганлар дунёни унутади", деб баҳолайдилар.

(1-4-саҳифаларда)

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан F.С.Кудратов Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида 2002 йил якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, муассаса, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур суд раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзолари, Олий суд, Бош прокуратура, Олий хўжалик суди, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

● Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида «Мактаб ва шифохоналар куни»ни ўтказадиган бўлди.

● Қонликўл туманида 500 дан ортиқ юридик шахс кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида туман марказидаги «Дўстлик» гузарида мини-банк иш бошлади.

● Бухоро вилоят ҳокимлигида ўтган анжуман Обод маҳалла йилида амалга ошириладиган ишлар ва бу борада маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамиятига бағишланди.

● Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида «Соғлом авлод - обод маҳалла таянчи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Урганчдаги Хоразм вилоят 1-клиник шифохонаси тўлиқ таъмирдан сўнг беморларни қабул қила бошлади.



Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифати унинг харидоргирлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. "Жомбойдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ўзининг юқори сифатли маҳсулотлари билан вилоятдаги илғор корхоналар қаторидан ўрин олган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорини топмоқда. Жамоа ишчилари кунига 500 тонна ғаллани тозалаб, унга айлантиришмоқда.

СУРАТДА (ўртада) мутахассис Носир Мамедов бўлим ишчиларидан Шавкат Зокиров, Абди Жўраевлар билан бугунги қилинган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ИМКОНИЯТ, ТАШАББУС ВА ИСТИҚБОЛ

ДАВРА СУҲБАТИ

***Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз тараққиёти учун янги-янги имкониятни юзага келтирмоқда. Биз улардан изчиллик, тадбиркорлик билан тўғри ва унумли фойдалана олсаккина ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириб, иқтисодиётни янада юксалтиришимиз мумкин.***

Эришилган ижобий натижалар орқали эса халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, юртнинг тинчлигини асраш, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз шубҳасиз.

Қолаверса, ҳар биримиз фақат бугунимизни эмас, келгуси авлодни ҳам ўйлаб меҳнат қилишимиз керак. Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардан кўзланган асл мақсад ҳам Ўзбекистонимизнинг ёрқин ва буюк келажагини яратишдан иборат.

Республика ўқувида қатнашаётган бир гуруҳ туман ҳокимлари иштирокидаги бугунги давра суҳбатимиз ҳам айнан мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ҳолда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳақида кечди. Суҳбатда туманларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қилинаётган ишлар, хўжалик юритишда қандай усуллар, тадбирлар ижобий самара бераётганлиги, нималар тўсиқ бўлаётганлиги ва яна нималарга кўпроқ эътибор берилса, ютуқлар ортиши, камчиликларга тўсиқ бўлиши ҳақида сўз юритилади. Бу ҳақда газетхонларнинг мулоҳазаларини ҳам кутамиз.

(Давоми 3-бетда)

## УЧҚУЛОЧ ЧИРОҚЛАРИ

ТАРАҚҚИЁТ

***Учқулоч конида қазиш ишлари 50-йиллардан бошланганди. Ўшанда конни электр қуввати билан таъминлаш учун хорижда ишлаб чиқарилган улкан двигателлар келтирилган эди. Дизел двигатели куну тун тўхтовсиз ишлаб турарди. У гўё Учқулоч конининг "уриб турган юраги" эди.***

Собиқ иттифоқ даври эмасми, бу ерда қандай маъдан чиққанлиги ва қаерга ташиб кетилганлиги сир сақланарди. Айниқса, бу саноат корхонасининг бир неча бор ёпилиб-очилиши ҳаммани лол қолдирарди. Истиқлолга эришганимиздан сўнггина конга ва унда ишлаётган ишчиларга эътибор кучайтирилиб, қадимий Хонбанди тўғони ёнида despite кончилар шаҳарчаси бунёд этилди. Шу тариқа чўл бағрида 9 қаватли турар жойлар, йирик тиббиёт бўлими, мактаб, болалар боғчаси, автобекат ва бошқа маданий-маиший, савдо бинолари қад ростлади. Икки жойда кончилар учун дала ҳовлилари барпо этилди.

Айни вақтда Учқулочда ер ости қазилма бойликларини излаб топиш ва уни инсон измига буйсундириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Пистали тоғ бағридан темир ва мармар конларининг топилиши ва қазиб олиш ишлари бошланиши ана шу изланишларнинг дастлабки самараларидир. Ҳозирданоқ Учқулоч мармарини мутахассислар чинакам мўъжиза, деб баҳолашмоқда.

Биз бу йирик саноат корхонасида бўлдик. У ерда дастлаб бош муҳандис Абилхон Тўқсонбоевни учратдик.

-Сиз кўриб турган улкан машиналар мармар харсангларни қайта ишлаш учун корхонамизга ташиб боради, - дейди у. – Дарвоқе, корхонамиз деяётганим бу - бизнинг мини мармар заводимиз. Шу заводни яқинда ишга тушириб, яна 30 иш ўрни яратдик.

Мармар ишлаб чиқариш бўлими кон қошида ташкил этилган бўлиб, у Италия технологияси асосида ишлатилмоқда. Бу технология ёрдамида уч иш жараёни бажарилади: дастлаб харсангтош тарзидаги мармар қирқиб олинади, кейин бўлинган бўлаклар маълум ўлчамларда шаклга келтирилади ва пардозланади. Корхонада ана шу ишларни бажариш учун яна 15 ишчи ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, бу ишнинг бошланиши. Режалар эса кўп. Ҳозирча корхонада бир йилда 5000 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона фаолиятини янада кенгайтириш тақозо этиляпти. Чунки унинг маҳсулотларига нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлар ҳам харидор бўлишмоқда.

Мармар ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларининг харидоргирлиги унинг ўта тиниқлиги, ранго ранглиги ва табиий чизиқли – безакли эканлигидадир. Қора рангли, кўкиш, оқ, жигарранг ва қизғиш ранг мармарлар тўлиқ ишловдан чиққач, чинакам мўъжизага айланади. Улардаги нафис чизиқ ва орнаментлар агар дид билан жой-жойига қўйилса, бундай бебаҳо безакни ҳар қандай наққош ҳам яратолмайди. Табиатнинг ажойиб мўъжизаси бу!

Хуллас, Учқулоч чироқлари янада ёрқинроқ порлаб, ҳаммани ўзига чорламоқда.

**Сафар ТУРСУНМУРОДОВ,**
**Жиззах вилояти.**

ЭЗГУЛИК

## ЗАРАФШОН-НЮМОНТНИНГ МУРУВВАТИ

***"Зарафшон-Нюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ижтимоий ривожланиш дастурини бажариш доирасида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1 миллион доллар миқдорида ҳисса қўшишга қарор қилди. "Нюмонт Майнинг" корпорацияси "Нюмонт-Ўзбекистон лимитед" шўъба компаниясининг директори Баҳром Салоҳиддинов бу ҳақда "Туркистон-пресс"га маълум қилди.***

-"Нюмонт Майнинг" корпорацияси ўн йилдан буён Ўзбекистонда иш олиб бормоқда. У энг илғор технологияларни амалда қўллаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро стандартларга риоя қилиш билан биргаликда мамлакатдаги устувор ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этаётир, - деб қайд этди Б. Салоҳиддинов.

"Зарафшон-Нюмонт" Зарафшон ва унинг атрофидаги Қизилқумнинг оғир иқлим шароитида яшаётган болалар тўғрисида қайғуриб, жамғарманинг ижроия идораларига қўшма корхона томонидан ажратилган маблағнинг бир қисмини Зарафшон шаҳрида Болалар спортини ривожлантириш лойиҳаларига сарфлашни сўради.

Бундан ташқари, "Зарафшон-Нюмонт" Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт ривожига сезиларли улуш қўшиб келяпти. Зарафшон шаҳридаги мактабларни дарсликлар, компьютер лабораториялари билан таъминлаш, шунингдек болалар боғчаларига ёрдам кўрсатиш ушбу фикримизга далил бўла олади. У Навоий вилояти ижтимоий инфратузилмаси ривожига ёрдам кўрсатиб, Янги Зарафшон қўрғонига электр тармоғини ўтказиш ва Мурунтов қўрғонининг сув таъминот тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширди.

Қўшма корхона ўз фаолияти мобайнида "Проджект Хоуп" нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда республикага 21 миллион доллардан зиёд тиббий дори-дармонлар, вакцина ва усуналардан ташкил топган мурувват ёрдамларини келтирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, "Нюмонт-Ўзбекистон ЛТД" компанияси биринчилардан бўлиб, истеъдодли ёшларнинг "Умид" жамғармасига ўз ёрдамини кўрсатди. Яқинда Весминстер университетида иккита стипендия таъсис этди. У Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишида ҳамда мамлакат ичида ўтказиладиган мусобақаларни уюштиришда мунтазам ҳомийлик қилиб келмоқда.

## ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАВЕРАДИ...

***Қорақалпоғистонда инсон баҳри дилини очадиган сўлим гўшалар кўп. Улардан бири Элликқалъа тумани ҳудудида жойлашган Оқчакўлдир. Кўл соҳилига келган киши ажиб манзаранинг гувоҳи бўлади: шимоли-ғарбда Қоратоғ виқор билан қад кериб турибди.***

Бир чақирим чамаси узоқда эса хоразмий шоҳларнинг дастлабки қароргоҳи ва пойтахти Тупроққалъа, сал ичкарироқда – Қизилқумга туташиб кетган жойда Аёзқалъа қўрғонлари кўзга ташланади. Тўрт минг гектар майдонни эгаллаган ва узунлиги салкам 17 чақиримга чўзилиб кетган кўлнинг зилол суви майин эсган шабадада аста тўлқинланиб, одамга ажиб бир хушкайфият бағишлайди. Шу боис бўлса керак, бу гўшага шанба ва якшанба кунлари қўшни туманлардан, Хоразм вилоятидан кўплаб кишилар келиб ҳордиқ чиқариб кетишади. Қорақалпоғистондаги энг йирик "Орол болалари" маскани ҳам кўл соҳилида жойлашган бўлиб, ҳар йили Оролбўйи туманларининг уч мингга яқин ўғил-қизлари шу ерда мириқиб дам олишади.

Шундайгина кўл соҳилидаги "Оқчакўл" санаторий ва профилакторий масканининг ҳам довруғи довон ошган.

Шунингдек, бу ерда бир неча йирик корхоналарнинг идоралари, меҳмонхоналари жойлашган.

...Бундан роса ўн йил олдин Қорақалпоғистоннинг олтита вазирлик, компаниялари ва трестлари раҳбарлари маслаҳатни бир жойга қўйишиб, Оқчакўл соҳилида минг ўринлик дам олиш ва шифо маскани мажмуини қуришни бошлаб юборишганди. Булар: "Қорақалпоқавтойўл", "Қорақалпоқавтотранс", "Қорақалпоқсавдо", "Қорақалпоқтутыну" (тутыну - матлубот), "Қорақалпоқсувқурилиш" (айни пайтда Қорақалпоғистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида), "Оролсувқурилиш" ҳудудий бирлашмалари эди. Ҳашпаш дегунча 10 та коттеж-кемпингларнинг биринчи қават деворлари тикланди. Бўлажак мажмуа атрофига 40 гектарлик боғ-роғлар барпо қилиш юмушлари ҳам жадал бошланди. "Элликқалъа" ва

МУАММО

"Янги ер" фермер хўжаликлари чегарасида ҳаммом-сауна учун бино тикланиб, унинг томини ёпиш ишларига эндигина киришилмоқчи эди...

Шундан буён ҳам ўн йил ўтди. Хайрли ва савоб ишни яшин тезлигида бошлаганлар негадир қурилишни таққа-тақ тўхтатишди. Улардан мерос сифатида ўн битта пишиқ ғиштдан бўй тиклаган иморатлар сўппайиб қолиб кетди. Ишнинг тўхтатилишига "маблағ йўқ" баҳонаси рўкач қилинди. "Бўстон-Нукус" асфальт йўлидан ўтувчи йўловчилар эса бу иморатларнинг талон-торож қилинмаганлиги, ўн йилдан буён бус-бутун турганлиги учун яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳолидан ўзларича мамнун бўлиб қўйишади.

-Биз тегишли ташкилотларга бу иморатлардаги қурилиш юмушларини қайта қўлга олишларини сўраб бир неча марта мурожаат қилдик, - дейди Элликқалъа тумани ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича муовини Ибодулла Саъдуллаев. – Аммо ҳеч қандай ижобий натижа бўлмаяпти. Юқорида тилга олинган ташкилотлар раҳбарларидан, лоақал ўзлари бунёд қилган коттеж-кемпингларни ишга тушириб, жамоалари аъзолари учун дам олиш зонаси барпо этишни, кўл соҳилига бассейн қуриб, табиат инъом этган бундай бойликдан кишилар баҳраманд бўлишига шароит яратиб беришни илтимос қилдик. Агар маблағ етишмайдиган бўлса, қурилиши чала қолган иморатларни туманимиздаги йирик корхоналардан баъзиларига ўтказиб беришни, улар эса бу савобли юмушларни давом эттириб, поёнига етказиши, хуллас, меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилиши учун амалий ишлар адо этилиши мумкинлигини бот-бот хабар қилдик. Афсуски, қолган ишга қор ёғиб, ҳамон силжиш бўлмаяпти.

Дарҳақиқат, Оқчакўл соҳилида бошланган ишни ўн йил ўтган бўлса ҳам давом эттириб, охирига етказиш лозим. Токи, салкам юз миллионлаб сўм маблағ сарфланиб, бошланган хайрли иш битказилиб, аҳолига хизмат кўрсатадиган бўлсин.

Ахир, қачонгача қолган ишга қор ёғаверади?!

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## РАИСЛИКНИ СОТИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

### ИККИ ЙИЛДА БЕШ РАҲБАР

ИДДАО

***Бугун кўпчилик хўжаликларда раислик ҳавас қиладиган иш бўлмай қолди. Илгари раисбува "Виллис"нинг орқасига ўтирволиб дала айланар, тушликка яқин эса ё марказдаги ё идора яқинидаги чойхонанинг тўри унга "брон" турарди.***

Ҳурмату эътибор, гапнинг кескирлиги ҳам шунга яраша эди. Раиснинг қош-қовоғига қараб иш жадал кетар, таъминотчиларнинг "ўйинлари" йўқ эди. Бугун... масалан, Каттақўрғон туманидаги "Буюк Турон" ширкат хўжалигида аҳвол оғир. Ўтган йил ғалла зўр бўлди, ҳосилдорлик 54 центнердан ошди. Аммо пахта шартномаси 79 фоизда қолиб кетди. Оқибат доннинг фойдасини пахтанинг зарари ютиб юборди. Ширкатчилар, айниқса, механизаторларнинг боши қотди – манфаатдорликдан маҳрум бўлишди-да. Кузги шудгор қишки ҳайдовга айлангани, техникалар ночорлиги ҳам бор гап. Бош иқтисодчи Собир Синдоров ночорликнинг сабаби нимада эканлигини айтолмади. Аммо чек дафтарчалари номига, шунчаки юритилаётганини мардлик билан тан олди. Сўнг қўшиб қўйди: бу лавозимга яқинда ўтдим. Суриштирсак, хўжалик нафақат бош мутахассисларга, балки раисга ҳам ёлчимаётган экан. Кейинги икки йил ичида раҳбар оз эмас, кўп эмас беш марта алмашган; Мирзо, Шарофат, Абдували, Зокир, Исо ва ниҳоят Қамариддин ака...

-Бунақаси ҳали бўлмаганди, - дейди Қамариддин Ибрагимов. – Раҳбарни туман ҳокими зўр раис деб одамларга таништиргану икки-уч ой ўтгач, бирдан "олиб" ташлаган. Қайси айби учун, бу ёғи менга номаълум. Шунинг учун ҳам жамоада муаммолар тиқилиб ётибди. Бир томонда турли даражадаги комиссиялар, бошқа томонда ҳақини сўраб, кўмак тилаб келаётган ширкатчилар... Бу муҳим, буниси муҳим эмас, манависини кейинроқ қиламиз деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

ҲУҚУҚ

## ТЎРАЧИЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

***Чумолидай тиним билмай пешона тери тўкиб, беш-ўн сўм даромад қилсанг-у, кимдир келиб унга хўжайинлик қилса, албатта, кишига оғир ботади. Ким ҳам оғзидаги ошини олдирарди, дерсиз.***

Таассуфки, кундалик турмушимизда бу сингари ҳолатлар қайсидир кўринишда учраб турганлиги сир эмас. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, тадбиркорлар фаолиятида бундай қонунбузарликларга кўп дуч келиняпти. Айрим бошқарув идоралари, мансабдор шахслар томонидан кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни юксалтириш борасида мамлакатда саъй-ҳаракат кучайган бир пайтда бунга акс ўлароқ "тадбиркорларга бош-қош бўлаётганликлари", хусусан, юридик шахсларнинг ўз ҳисоб-рақамларида мавжуд пул маблағларини эркин ишлатишга йўл қўймай, ҳамон маъмурий-буйруқбозлик асосида иш юритаётганликлари ана шу қонунбузарликларни ташкил этмоқда.

Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу ҳолга чек қўйиш мақсадида жойларда назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган ҳолатларга кўра, зарур чоралар қўлланиляпти. Жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам сўнгги йилларда тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга оид самарали ишлар амалга оширилди. Бунда вилоят прокуратураси органлари кичик ва ўрта бизнес субъектлари, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини алоҳида назоратга олиб, текширувлар ўтказиб, қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## "ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР..."

(Боши ўтган сонда)

МАВЗУ

***Каримнинг укаси - ҳунарманд Анвар Мусаев шундай деди:***

***-Биз ҳунармандчилик буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариш пайида бўлаётганимиз йўқ. Шу сабабли ҳозирча даромадимиз бироз камроқ. Бундан ўкинмаймиз.***

Чунки ниятимиз изланиш, фақат изланиш. Биз асосий эътиборни ҳунармандчилик буюмларининг янги шаклларини яратишга қаратаяпмиз. Буюртмалар жуда кўп. Сифатсиз маҳсулотни қалаштириб ташлагандан нима фойда? Агар ишни шошиб бажарсак, мижозларнинг кўнгли биздан совиб қолиши турган гап. Шу сабабли қиммат бўлса ҳам бошқаларникига ўхшамайдиган, оригинал стол-стуллар, шкаф ва шифонерлар ясаш устида ишлаяпмиз. Энди уч ярим миллион сўм кредит олмоқчимиз. "Пахта Банк" раҳбари Баҳриддин Қурбонмуродов катта кўмак бераяпти.

### УСТАХОНА НЕГА ҚУЛФ?

**Ўрол Норбеков – "Мадина" фирмаси раҳбари:** - Бу ташкилот аъзолари асосан дурадгорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланади.

-Дурадгорлар иши билан танишмоқчи эдик, - дедим ҳунармандлар етакчисига.

-Афсуски, устахонамиз бир неча кундан буён ёпиқ. Ичкарига кириб бўлмайди. Мана бу айвонлардаги дастгоҳларни кўраяпсизми? Лекин ҳозир ҳеч ким ишламаяпти бу ерда.

-Нега?

-Ўзи ҳунармандлар жуда оз. Улар бир кишининг уйининг томини ёпишга кетган.

(Давоми 4-бетда)

ИНСОН ЎЗИНГ...

## ИФФАТ КЎЗГУСИДАГИ ҒУБОР

***Метрода одам гавжум. Кўпчилик орасидан дарҳол кўзим метро устунига суянган йигиту, уни эҳтирос билан ялаб-юлқаётган қизга тушди. Мана сизга текин томоша.***

Бу шунчалик хунук манзара эдики, шунча йўловчилар орасидан нигоҳингиз айнан уларни қидириб топиши аниқ. Устига-устак, "севишганлар"нинг ёнгинасида турган эллик-олтмиш ёшлардаги, яхши кийинган амаки ҳам, сал нарироқда тўпланиб ўзаро суҳбат қураётган халқ посбонлари ҳам улар томон бефарқ-беписанд кўз ташлаб қўйишарди. Балки, амаки билан метро назоратчиларининг бу ҳолатга қандай дахли бор дегувчилар ҳам топилар. Ўйлаб кўринг, кўзини беандишалигу, ҳаёсизлик пардаси қоплаган бундай ёшларни ким одобга, инсофга чақиради? Албатта, катталар. Уларнинг бунга ҳаққи бор. Барчага "текин томоша намойиш этаётган" шу йигит-қизга танбеҳ беришга амакининг ҳаққи бор.

Халқ посбонлари-чи? Уларнинг вазифаси фақатгина метрони назорат қилишу, кўзига ғариброқ кўринган йўловчиларни ушлаб олиб, ҳужжатини титкилашми? Маънавиятимизга, одамийлигимизга рахна солаётганларга қарши ким курашади? Улар бундай бемаъни қилиқли ёшлар олдига бориб, бир оғиз: "кечирасизлар, бу жамоат жойи, одоб-ахлоқни сақлаш керак", деса олам гулистон. Гарчи бу ёзилмаган қонун бўлса-да, у яхшилик учун хизмат қилса, бемалол қўллайвериш керак эмасми?

(Давоми 4-бетда)


## КЕЛГУСИ СОНДА:

"МУШКИН ҚОШИНИНГ ҲАЙАТИ..."

ФЕРМЕРЛИК ОСОН ЭМАС

НОВВОЙ НЕГА СЕМИРМАЙДИ?




## “АРОҚНИ ЯШИР!”

***Қурбон – тракторчи. Ўзи яхши йигит. Иши ҳам тузук. Эртадан-кечгача тинмайди. Қишлоқдагилар “Қурбоннинг трактори зўр”, дейишади.***

Трактори бузилса ухлаёлмайди. Созлайди-ю кўнгли тинчийди. Йигитларнинг сараси. Фақат кичкинагина айби бор. Баъзан... ба-а-ъзан ароқ кўп ичиб қўяди. Олти ойда бир ичибди. Нима бўлди-ю, трактори ариққа тушиб кетди. Кайфи бор эди-да. Акаси Тошқул Ҳамидович туманда катта бошлиқлардан. Шундай келса, трактор ариқ ичида. Қўрққанидан Қурбоннинг кайфи тарқаб кетди. Лекин ароқ бемаза эканми, бадбўй ҳиди анқирди. Акаси бақирди:

-Яна бир марта ичсанг, трактор қўлингдан кетади. Ҳа-ҳа!!.

Тошқул Ҳамидович Тошкентга семинарга жўнади. Қурбоннинг туғилган куни келди. Дўстлари билан чақ-чақлашиб, юзта-юзта олиб ўтирибди. Дастурхонда ароқлар... Телефон жиринглади.

-Қурбон? Ҳа, туғилган кун билан...

-Ака-а... сиз... сизма-а?

-Э-э?! Ҳув, яна ичиб ўтирибсанми? А-а?

Қурбон телефон дастасини кафти билан ёпиб, дўстига деди:

-Ароқни яшир!! Тез яшир!! Тез!!

Апил-тапил ароқлар яширилди. Қурбон гаплашиб бўлди. У бир телефонга, бир яширилган ароқларга қаради.

-Акам телефонда-ку?! Қўрқув довдиратибди-да...

Дўстлар гурр кулишди.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## БИР ЮРИШДА «МОТ»

***Ўрмончилик хўжалиги идорасига раислик қилаётган Боймурод аканинг бири-биридан ширин тўрт набираси бор. Улар орасида Азизбек алоҳида ажралиб туради. Жуда зийрак, қўлидан китоб тушмайди. 1-синфда ўн кунча ўқигач, уни биратўла 2-синфга кўчириб қўя қолишган.***

Бир куни мактабга комиссия келиб қолди. Мактаб директори гап орасида жажжи Азизбекнинг иқтидоридан сўз очиб қолганиди, тирноқ остидан ҳам кир излаш ҳадисини олган комиссия раиси ишонқирамади. Шахсан ўзи боланинг билимини синаб кўрмоқчи бўлди. Синфга кирган мартабали меҳмонга Азизбекни таништиришди.

-Айт-чи, болакай, - деди нописандлик билан комиссия раиси. – Тошбақа сувда сузадими ёки ерда юрадими?

Азизбек шошиб қолмади. Саволга бурро-бурро жавоб қайтарди:

-“Кусто ва унинг командаси”да тошбақанинг сувда сузганини, бобомнинг ўрмон хўжалигида эса ерда юрганини кўрганман.

Етти ёшли Азизбекнинг қойилмақом жавобидан сўнг меҳмоннинг яна савол беришга ҳоли қолмади. Чунки у ўзининг Азизбек томонидан бир юришдаёқ мот қилинганлигини сезиб турарди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## “ИШБИЛАРМОН” МУДИР

***Пахта йиғим-терими авж паллага кирган кезлар. Мен тумандаги “Янги ҳаёт” жамоа хўжалигида йиғим-теримни ташкил қилиш бўйича вакилман. Негадир терим суръати кундан-кунга пасайиб кетаверди.***

Шу сабаб хўжаликка бир гуруҳ мутахассис ва раҳбарлар аҳволни ўргангани келишди. Текширувчилар орасида туман халқ таълими бўлими мудири Муҳаммаджон Қаландарович ҳам бор эди. Менга шу киши билан қишлоқдаги мактаблар ўқувчи ва касб-ҳунар коллежи талабаларининг пахта йиғим-теримида қандай қатнашаётганликларини текшириб кўриш вазифаси топширилди.

Муҳаммаджон Қаландарович билан хизмат машинасига миниб, қишлоқнинг марказий йўлига чиқиб олдик.

-“Разбор”ни қаттиқ қилмасак бўлмайди, ёшулли. Директорларни, ўқувчиларга масъул ўқитувчиларни шундай бир “савалаймизки”, ана ундан кейин кўрасиз суръатнинг ошишини. Пахта – бу давлат сиёсати, ахир!

Машина ҳашаматли уй олдига келиб тўхтади.

-Энди ёшулли бир гап. Шу уйга кириб бир пиёла чой ичамиз. Курсдошимнинг уйи. Иш бўлса қочмас, буёғини менга қўйиб бераверинг. Ҳаммаси кўнгилдагидан ҳам зиёда бўлади.

Иложсиз қолдим. “Қандай бўлар экан” дейишга энди оғиз жуфтлаган эдим, хонадон соҳиби чиқиб қолди. У бизни ичкарига таклиф қилди. Тўкин дастурхон атрофига жойлашдик. Аввал чой, сўнг ҳар хил овқатлар... Гурунг, латифа... талабалик даври хотиралари... Ўтириш роса чўзилди. Ва ниҳоят “иш”га турдик.

Мудир айтмоқчи “разбор” ҳам бошланди.

-Аҳвол чатоқ, ишда тартиб-интизом йўқ, ўртоқлар! – деди мудир сукунатни бузиб. – Биз мана, туманнинг хўжаликдаги вакили Тоҳиржон Солиевич билан кун бўйи дала айландик. Биринчи участкага борганимизда ўқувчи болалар балиқ тутиб юришган экан. Тутолмадик – қочишди. Қани, менга айтинг-чи, ўртоқ директор, нима иш билан шуғулланаяпсиз? Ҳов одам, сиздан сўраяпман, жавоб беринг ахир саволимга!

Ўрнида тик турган новчагина директор бош эгганича жим тураверди. Мудир бўлса тобора “асабийлашиб” борарди. У чуқур “уф” тортгач, яна “разбор”ни давом эттирди:

-Иккинчи участкага ўтсак, аҳвол бундан-да баттар. Йигирмадан зиёд болалар ўтлоқда мол боқишаяпти. Нима, пахта сиёсатини тушунмайсанми? Қўлингдан иш келмаса ёз аризангни!

Директор бечора бирдан ҳолсизланиб ўтириб қолди. Юз-кўзидан тер қуйила бошлади. Мудирнинг важоҳати ҳамманинг юрагига ваҳм солган эди. Залдагилар ўзига қачон “ҳужум” бўлишини кутиб, нафасини ичига ютганча ўтиришарди.

“Разбор” узоқ давом этди ва анчайин қаттиқ бўлди. Муҳаммаджон Қаландарович ҳеч кимни аяб ўтирмади – роса койиди, «савалади».

-Қалай, бопладимми? – деди мудир йиғилиш тугагач. – Ишни ўзини билмасанг кўзини бил, деган гап бор. Мана, эртага кўрасиз суръатнинг ошишини! Хавотир олманг, "тажриба"миз синовдан ўтган.

Воажаб! Чиндан ҳам эртасига ўқувчи ва талабалар теримида суръат анча кўтарилди...

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

## «ОҒЗИМ БОР ДЕБ СЎЗЛАЙВЕРМА...»

***Катта меҳмонхона тўла одам. Қишлоқнинг тўйи эмасми, гурунг қизиган. Жўра ака деди:***

***- Бойсунга бориб келдим. Қишнинг куни-да йўл оғир. Боргунча азобимни олдим. Келишим яхши бўлди. Бойсундан бу ёққа пастлик. Ўйнаб-ўйнаб келди машина...***

Жаббор ака гап ташлади:

- Жўрабой! Сиз ҳам Бекмирза “тентак”ка ўхшар экансиз. Биласиз, Бекмирзанинг "Москвич"и бор. Иш чиқиб қолса, Деновгами, Шерободгами Бекмирзани жўнатардик. У боргунча сўкиниб, “машинам адо бўлди” деб куйиниб борарди. Қайтишда ҳаммасини унутиб, ўйнаб-кулиб келарди. Шунинг учун ўзига билдирмай орқаваротдан унга "Бекмирза тентак" деб ном ҳам қўйгандик...

Жаббор ака сўзини тугатар-тугатмас давранинг нариги бурчидан биров ўрнидан турди.

- Жаббор ака, мен шу ердаман, сал оғзингизга қараб гапиринг.

Жаббор ака "Бекмирза тентак"ни кўриб жим бўлиб қолди. Даврада кулги кўтарилди.

**Тангриберди МУРОДОВ**

# ТЎРАЧИЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

(Боши 1-бетда)

Текширувлар натижаси шуни кўрсатяптики, вилоятда, айниқса, бошқарув идораларида айрим мансабдор шахслар тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик яратиб, асосан уларнинг пул маблағларига эгалик қилмоққа уринмоқдалар. Мисол учун, Гулистон туман ҳокимининг 2002 йил 10 июлдаги 472-сонли қарорига биноан тумандаги 101 та хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига 27000 дона, жами қиймати 6 миллион сўмлик “Маънавият-2” хайрия лотереясини мажбурий равишда сотиб олиш юклатилган. Худди шундай, туман ҳокими азбаройи ҳимматли бўлиб кетган чоғи, нодавлат шаклига айлантирилган хўжалик юритувчи субъектлардан “Орзу” ҳиссадорлик жамияти ва бир қанча хусусий ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шахобчаларидан тумандаги “Соҳил” футбол клубига ҳар чоракда 10 минг ва 100 минг сўмдан пул ўтказиб бериш вазифасини амрона топширади.

Шунга ўхшаш ҳолатни Ширин шаҳар ҳокимлиги фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ҳокимнинг вилоятда спортнинг теннис тури бўйича ўтказилган турнирга ҳомийлик қилиш ҳақидаги 2002 йил 5 мартдаги 9-Ф сонли фармойиши билан шаҳар ҳудудида жойлашган “Отабек-БС”, “Синдор-Ш” хусусий фирмаларидан ва 15 нафар тадбиркорлардан 50 минг сўмдан, жами 800 минг сўм маблағ уларнинг розилигисиз мажбурий тарзда шаҳар спорт қўмитаси ҳисобига ўтказилади. Шунингдек, 6 майдаги 42-Ф сонли фармойиши билан шаҳардаги бир қанча хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга ўз ҳисоб рақамларидаги пул маблағларидан маълум бир қисмини ҳокимлик ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш фондига ўтказиш юкланади.

Тўғри, соғлом авлодни камол топтириш йўлида спортга алоҳида эътибор қаратиш, моддий қўллаб-қувватлаш мақтаса арзигулик ҳол. Бироқ буйруқбозлик асосида тадбиркорлар пул маблағларини бунга сафарбар этиш, тўраларча муносабатни оқлаб бўлмайди. Булардан ташқари, Ширин шаҳрида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрамида шаҳарда истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тақдирлаш мақсадида ҳокимнинг 38-Ф сонли фармойиши билан 2002 йил 22 апрел куни шанбалик эълон қилинади. Афсуски, шанбаликдан тушган маблағ ва хайрия учун хўжалик юритувчи субъектлар ажратган 443413 сўм ва “Умид”, “Камолот”, “Отабек-БС” хусусий фирмаларидан шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига туширилган маблағ бошқа мақсадларда ишлатилиб юборилади.

Юқоридаги ҳолатлар ўрганилиб, Ширин шаҳар ҳокимининг қайд этилган, қонунга зид равишда чиқарган фармойишлари прокурор протестига асосан бекор қилиниб, ноқонуний ишлатилган пул маблағларни хўжалик юритувчи субъектларга қайтариш борасида судга даъво аризалари киритилди.

Айтиш жоизки, вилоят миқёсида назорат текшируви ўтказилганда, Боёвут ҳамда Сайхунобод туманларида ҳам юқоридаги каби қонунбузарликлар содир этилгани аниқланди.

Истардикки, жойларда тадбиркорлар манфаатига хизмат қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда кичик ва ўрта бизнеснинг ривож топиши учун камарбаста бўлиш ўрнига бу сингари тўраларча муносабат албатта жазосиз қолмаслигини айрим мансабдор шахслар унутмасалар, яхши бўларди.

**Р.ИСРОИЛОВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори.**



## ИБРАТЛИ ДАРГОҲ



**Айни кунларда мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Ёзёвон автомобил мактабида 106 нафар курсант таълим олмоқда. Бу ерда Ўзбекистон Қуролли кучларига мутахассислар билан биргаликда халқ хўжалигига ҳам автотранспорт ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Энг муҳими, ушбу даргоҳда ўқиш ва машғулотлар ўтказиш учун барча шароит яратилган.**

**Курсантлар жисмонан чиниқишлари учун замонавий спорт зали ва майдони мавжуд. Шу боис ҳам улар спотнинг барча турлари бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 1) амалий машғулот устаси Орифжон Солиев курсантлар Самад Жиянов, Нодир Қодиров, Азизбек Мамажонов ва Муҳиддин Зокировлар даврасида; 2) машғулот пайтида.**

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

# МИРОБЛАР ТЕЖАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

ИНТИЛИШ

***Катта Фарғона Канали бошқармасининг Шаҳрихон шаҳрида жойлашган 2-бўлими мироблари Олтинкўл, Шаҳрихон, Бўз ва Қува туманларига оби-ҳаёт етказиб беришни зиммаларига олишган.***

Сувнинг ортиқча исроф бўлмаслиги, унинг дала ва боғларга белгиланган меъёрда етиб бориши кўп жиҳатдан канал ўзанининг муҳандислик талабларига тўлиқ жавоб бериши, сув тақсимлаш иншоотлари ва даҳаналарининг бенуқсон ишлашига боғлиқ. Шунинг учун ўтган йил мобайнида 21 миллион сўмдан зиёд таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, канал ўзани механизмлар ёрдамида 30 минг кубометр қум ва лойқадан тозаланди. Канал қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида 50 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Ширкат ва жамоа хўжаликларига сув берувчи 20 та даҳана қайтадан таъмирланди. Бундан ташқари, бўлим жамоаси ширкат хўжаликларига ички ва ташқи ариқ-зовурларни тозалашда ҳам яқиндан кўмак беришмоқда. Мироблар ўз техника ва механизмлари ёрдамида 19,5 минг кубометр тупроқ ишларини бажаришди. Канал бўйларини кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар ташкил этишга ҳам асосий масала сифатида қаралди. Шу мақсадда 14400 туп турли манзарали ва ихота дарахти, 1000 тупдан зиёд мевали кўчат, 100 мингта терак қаламчаси ўтқазилди.

Мутахассисларнинг айтишича, “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинган жорий йил деҳқонларимиз учун баракали бўлади. Чунки, қор кўп ёғаяпти. Бу эса ерда намнинг етарли бўлишини, ўлкамизда сувнинг сероблигини таъминлайди. Шаҳрихонлик мироблар сув ҳар қанча сероб бўлмасин, уни тежаб-тергаб ишлатиш керак, деган фикрда. Уларнинг бутун диққат-эътибори худди шу масалага қаратилган.

**Юсуфжон УСМОНОВ,**
**журналист.**




## НАТО: АМЕРИКАГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

***АҚШ ҳукумати агар Ироққа қарши уруш бошласа, чекланган даражада ёрдам беришларини сўраб НАТОдаги ўзининг европалик иттифоқдошларига мурожаат қилди.***



Ўз навбатида, Испания Америкага кўмак беришга тайёрлигини билдирган бўлса, Канада барча ҳаракатлар БМТ доирасида олиб борилиши лозимлигини айтган. Германия Федерал канцлери Герхард Шрёдер эса немис аскарлари ҳарбий операцияда иштирок этмаслигини эълон қилди. Шунингдек, Франция Канада йўлини тутган бўлса, Италия ҳамда Туркия давлатлари ҳарбий базаларидан фойдаланишга розилик берганлар. Вашингтоннинг энг содиқ иттифоқдоши Лондон эса бўлғуси урушни куз фаслига қадар қолдириш таклифи билан чиққан.

## МОСКВА ДЕЛЕГАЦИЯСИ БАҒДОДДА

***Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Салтонов бошчилигидаги рус делегацияси Ироқ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Бағдодга ташриф буюрди.***



Расмий Москванинг бош мақсади масалани ҳал этишда урушгача бориб етмасликдир. Бунинг учун Ироқда фаолият кўрсатаётган инспекторларнинг текширув амаллари тугагунга қадар ҳарбий операция ўтказилишига йўл қўймаслик керак.

Куни кеча Москвага келган МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадай билан учрашув чоғида ҳам Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Американинг Ироққа қарши бир томонлама уруш бошлаши дунё тинчлигига жиддий раҳна солишини айтган эди.

## ГАРОВГА ОЛИШ МУВАФФАҚИЯТСИЗ ЯКУНЛАНДИ

***Нидерландиянинг “Est” кемасидаги 5 кишидан иборат экипаж аъзоларининг бири бўлмиш 44 ёшли украиналик денгизчи ўз шерикларини пичоқ билан қўрқитиб, гаровга олишга уринган эди.***

Ҳозирда уни тиббий текширувдан ўтказиш учун Буюк Британиянинг даволаш масканига жойлаштирилди. Юз берган хавфдан сақланиш учун эса қолган 4 нафар экипаж аъзолари кема бортидан сакрашга мажбур бўлганлар ва натижада уларнинг бири жиддий жароҳат олган. Шотландиянинг Морэй Форс порти яқинида бўлган бу кўнгилсиз воқеадан хабар топган қирғоқ хавфсизлик хизмати ва ҳарбий денгиз кучлари уларга ёрдамга келганлар. Айни пайтда текширув ишлари бошлаб юборилди.



## ГРОЗНИЙДАГИ ҚОТИЛЛИК

***Куни кеча Чеченистоннинг Грозний шаҳридан Гудермес томон ҳаракатланган автобусга йўлдаги блок-постлардан бирида турган федерал кучлар ходими автомат ёрдамида ҳужум қилган ва натижада ҳайдовчи ҳалок бўлиб, 4 йўловчи жароҳатланган эди.***

Айни бу вақтда федерал кучлар хизматчиси маст ҳолатда бўлган ва автобус блок-постга яқинлашган вақтда унга қарата ўқ узган эди. Бу воқеадан сўнг, Грознийдаги Чеченистон ҳукумати биноси олдида 150 нафарга яқин кишилар норозилик намойишлари ўтказганлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари эса жиноятчини ҳибсга олишган ва тергов жараёнларини бошлаб юборганлар.



**“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.**

# РАИСЛИКНИ СОТИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

**-Сиз ҳам ўзингизни омонат сезмаяпсизми? Қанча ишлашни мўлжаллаяпсиз?**

У кулди, сўнг жиддий қиёфада деди:

-Илгари бошқа хўжаликда раис бўлиб ишлаганман. Бу ерни эпақага келтирасиз деб жўнатишди. Ўзимга қолса астойдил ишламоқчиман. Менга ишонч билдиришганда ҳам катталарга айтдим буни. Ишончингиз шунчаки тил учида бўлмаса ўтайин дедим. Фақат бу ёғига одамлар мени қўллаб-қувватлашса, юқоридан турткилаб, қадамимни ўлчайверишмаса бас.

-Эскидан бир гап бор: "Оғзи қийшиқ бўлсаям бойнинг ўғли гапирсин". Чунки пули бор-да, - дея суҳбатга қўшилади бош ҳосилот Суннатилла Маҳмудов. – Иқтисод ночор бўлгач, мажлисларда ҳам жимгина ўтирасан-да. Бирор нарса етмаяпти, ололмаяпмиз денг, дарров пулинг йўқ-да, деб оғзингга уришади. Раҳбар тўхтовсиз алмашган хўжаликда пул қаёқдан бўлсин деёлмайсиз. Ҳозир маҳаллий ўғит жамғариб далаларга чиқараяпмиз. Бу иш осонликча бўлаётгани йўқ. Механизаторни ҳам, ширкатчию аҳолини ҳам ваъда бериб ишлатаяпмиз. Буғдой яхши ҳосил берса, ҳақингни оласан, деяпмиз. Аммо иш сифатини бу билан яхшилаб бўлмайди-да. Бир ёқда техникага шина, аккумулятор, эҳтиёт қисм етишмайди, олишга пул йўқ.

-Кишига алам қиладигани нима, биласизми? – дейди бош иқтисодчи. – Тумандаги барча ташкилот раҳбарлари раисдан бошқани тан олмайди. Кўпинча раиснинг ўзи бориб ҳам етишмовчиликни ҳал қилолмай келади. Шудгорни кечикиб кетгани ҳам шундан. Гоҳ эҳтиёт қисм, гоҳ ёнилғи етишмай чарчатди. Мана эртага кўрасиз экин етилсин, ҳосилдорлик паст бўлса нега, нега деган сўроқлар бошланади. Аммо ҳеч ким кузда, баҳорда нималар етишмагани, ҳеч ким буни ҳал қилиб беролмаганини айтмайди. Раисни айбдорга чиқариб бутун гуноҳни унинг елкасига ағдаришади. Шунинг учун ҳам раҳбар бор нарсани эплаштириб сотиш, пул қилиш, сўнг силлиққина ишдан кетишни кўзлайди-да. Борини йўқотиб, пулга айлантирганни гоҳида катталар мақтайдиям. Бунга тавба, деб ёқа ушлайман.

Мутахассислар кўнглидагини тўкиб солди. Сездимки, жамоанинг касали оғир, иситмаси баланд, раҳбар тағин алмашса ҳолига вой деяверинг.

### ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Тумандаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигида ҳам бўлдик. Техникалар баҳорги экишга ҳозирлаб қўйилган. Раис (бунисиям янги) устахонадаги аҳволдан уялди, мулк очиқда, ҳовли лой.

-Шу ерга айвон қуриб, тош тўктирмоқчиман. Йил охирига қадар ҳаммаси зўр бўлади, - дейди Рустам Сафаров. – Жамоани иқтисодий бақувват хўжаликка айлантирса бўлади, аммо бунинг учун раис туманда ҳокимдан кейинги киши бўлмоғи лозим. Ҳозир раиснинг ҳурмати йўқ ҳисоби. У катта карвоннинг югурдагига ўхшайди. Нега? Чунки ўғит омборига ҳам, эҳтиёт қисм учун ҳам раис сарсон, оддий омборчи ё тақсимловчининг олдида соатлаб ўтиришга мажбур. Комиссия ё текширувчи келганда эса кўпчилик ҳамкасбларимни оёғи куйган товуқдек югуришини кўринг. Фикри-хаёли "гап тегмаслиги" билан банд. Бу ёғи совға-салом дегандай. Иш эса тўхтаб туради. Мажлисларда энг ҳақоратли сўзни тағин раис эшитади. Мен қаттиққўллик, интизом тарафдориман, аммо бу меъёрдан ошса тескари натижа беради. Айтайлик, куйиб-пишиб бир ишни ҳал қилсангизу мажлисда сизни бошқа масала бўйича сўкишса, малол келмайдими? Бундай вазиятда мажлис тугагач қовоқхонага чопасиз, аламни ароқдан оласиз. Шу кунги ва эртанги иш яна бир кунга кечикади. Ичмайдиган, ичолмайдиган раис эса иккинчи мажлисга етмай қулайди. Бу аччиқ, аммо бор гап.

Раис “чой ичамиз” деди. Гурунгни дастурхон атрофида давом эттиришни таклиф қилди. Узр сўрадим, бошқа хўжаликка боришим зарурлигини айтдим. У соатига қараб қўйди, сездим, шошаяпти.

-Ҳокимликда мажлис борийди. Ҳозир бизда ҳоким йўқ, биринчи муовин бу вазифани бажариб турибди. Ўзингиз биласиз бунақа пайт қалтис бўлади. Кечиксак, ҳа, ҳоким чақирса учиб келардинглар, бизни менсимайсизлар-да, деса, нима дейман...

Шу пайт хонага бош ҳисобчи кириб келди. Муаммолар йўқми, дедик. - Э-э, сўраманг, - деди у дабдурустдан. Яна стулга қайтиб ўтирдим.

-Нақд пул бермаяпти банк.

-Нега?

-Пул йўқ, дейди. Бугунгача пахта терими учун 4 миллион 419 минг сўм пулни ололганимиз йўқ. "Пахта банк"ка уч-тўрт марта бордим. Фойдаси йўқ. Раисга қарадим.

-Бераман дейишган. Икки-уч кунда бўп қолар...

-Бу ҳам дала ишларига ёмон таъсир қилаётгандир?

-Э-э, сўраманг...

Бош ҳисобчи ортиқча гапириб ўтирмади. Сездимки, унинг ҳафсаласи пир бўлган.

-Ўз пулимизни ўз банкимиздан вақтида ололмасак, - деди раис идора ҳовлисига чиққач. – Шу инсофданми, ука. Раҳбар бўлиб банкка қатнасам, эшигида сарғайсам... Э-э. Таъминот масаласида ҳам шу гап. Сиз бу гапларни газетага ёзсангиз хап санними, дейишади менга, ана шуниси чатоқ-да.

-Банкни судга беринг.

-Кейин судга ҳам қатнайманми? Унга вақт қайда?

### ҲУРМАТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

“Ҳурматнинг нархи қанча?” Бундан беш-олти йил илгари каттақўрғонлик бир раис шундай савол бериб, жавобини ҳам ўзи айтганди, қайси лавозимда ишлашингизга боғлиқ. Масалан, ўзим туман ҳокимлигидаги масъул лавозимда тўрт йил ишладим. Бирдан қолоқ хўжалик раислигини таклиф қилишди. Назаримда, жойим кимгадир керак бўлган. Шунда мен ҳам зўр хўжаликни сўрадим. Қишлоқ хўжалигини яхши билмайман, пул бор жойда эркин ишлайман, деб ўйладим. Беролмаймиз, у ернинг тоши оғир, хизмати кўп, деди ҳоким. Қолаверса, сизга раислик учун хизмат-пизмат айтмаётган бўлсак...

Хуллас, раисликка ўтгач, кўрдим. Қилаётган ишингни қанчаси инсофу, қанчаси хиёнат эканлигини. Вазиятнинг ўзи ҳам одамни шунга мажбур қиларкан.

Бугун раиснинг шу гапларини яна бир бор ўйладим. Нега қишлоқда ўзини озгина тутиб олган кишилар амалдор бўлишга, раислик курсисини эгаллашга қизиқади? Йил бошида қолоқ хўжаликларнинг (афсуски, уларнинг сони жуда кўп) кўпчилигида раис кетармиш, ўрнига фалончи бўлармиш, катталар билан гаплашиб келибди, атаганини бериб қўйганмиш, деган миш-мишлар болалаб қолади. Гоҳида номзодлар тўрт-беш киши эканлигини айтишади. Бу курсининг оҳанрабоси борми? Ерни, турли воситаларни бўлиш, ёнилғи, ўғит (ўзи кам бўлса-да) тақсимлаш бари унинг қўлида бўлгани учун раисликка ишқибоз кўпдир... Бу иш тўрт-беш ой ё бир йилга чўзиладиган мардикор хизматига ўхшаб қолмаяптими?.. Балки ҳамма гап раисдан уч-тўрт поғона баландда турган кишиларнинг очкўзлигидадир.

Қишлоққа борганимда баъзи кишилар бир жойни олмоқчиман, раислик бўлса ҳам майли, шуни нархини бил, бир гаплашайлик деб қолишади. Ҳазиллашаяптими, деб ажабланаман. Қарасам жиддий. Ҳайрон қоламан: ё одамлар синашаяпти, ё биз ғафлатда. Кечирасизу, бундай гап-сўзлар эл орасида афсуски бор.

-Хўжалик раҳбарини уч марта бўшатишиб, тағин ўзини қўйишди. Ҳатто мукофотга ҳам тавсия этишди. Ундан кейингиси бир йил ишлаб қамалиб кетди. Хўжалик эса бошқаси билан қўшиб юборилди. Жамоага қайси бирининг қанча зарар келтиргани ёлғиз худога аён, - дейди Пайариқнинг Ал-Бухорий номли хўжалигидаги тажрибали бир деҳқон. – Шуларни кўриб, гувоҳ бўлгач қўлинг ишгаям бормай қолади.

Энди бир фараз қилиб кўрайлик. Киши шу зорманда курсини маълум бир нархга сотиб олди дейлик. У биринчи ишини нимадан бошлайди, албатта харажатни қоплашдан, эски техникани талабгор топилса, сотишга интилади. Талабгор эса ҳамиша бор қишлоқда. Янги раисга ер сўраб келадиган ҳам топилади. Демак, ер сотилади, сўнг ёнилғи, ўғит, уруғлик. Қарабсизки, ночор хўжалик тағин ботқоққаботади. Бундай раҳбарни ҳар қанча сўкинг, уринг чидайди, фақат ишдан олмасангиз бас. Чидаганга эса албатта юқори турувчилар тез-тез турли кўринишларда хизмат айтади. Раис бу хизматни қайси ҳисобдан қилади, албатта тағин ширкат устидан. Мабодо бу хизмат ё иложсизлик, ё имкон йўқлиги боис амалга ошмай қолса-чи (тоши оғир хизматлар ҳам йўғ эмас-да), тамом, раис ишдан кетади. Туман катталарига барибир. Чунки янги номзодлар оз эмас. Жараён янгидан бошланади. Янги эски учун жавоб бермайди, энди зўр бўлади, дейди. Нархи арзон ваъдалар, мақтанишлар, алдовлар ва яна юки оғир хизматлар...

-Тўрт йил илгари банкдан пул ололмагач ўз ҳисобимдан одамларга 20 миллион сўмдан ортиқ пул тарқатдим. Бу пул кузга бориб 100 карра натижа берди, - дейди тадбиркор раис Маҳмуд Сафаров. – Қарангки, шуниям нотўғри талқин этиб хизматга туҳмат қиладиганлар топилди. Бутун фаолиятимни текшириб камчилик тополмагач, мийиғида кулиб, энди хизмат қилинг дейишди. Таажжубки, барибир хизмат айтилди. Бунга нима дейсиз? Очиғи, агар ўшанда банкка суянганимда хароб бўлардим. Ўзи бермаган пулдан муаммо туғдириб, тағин ўзи тўловларга пеня қўядиган банкнинг нағмаси менга жуда қимматга тушарди. Шунинг учун ҳам бугун раисларни ўғри, муттаҳамга чиқаришса тутаб кетаман. Агар у муттаҳам бўлса, уни шу ерга олиб келгану унинг ҳисобидан кўкрак керганлар ким? Уларни нима деб аташ керак? Нега ишдан олинаётган маҳал нўноқлар устига мағзава ағдаришади-ю, уни шу лавозимга кўтарган, оғзидан бол томиб мақтаганлар четда қолади? Менимча, раисликка зўр ва лойиқ одамни, тадбиркорни қўйиш керак. У ҳам ўзини, ҳам жамоани бой қилсин. Оғир юкни ҳам кўтара олсин. Бу масалани чуқурроқ таҳлил этиб тош-тарозига қўйишнинг вақти келмадимикин?

Ҳа, Каттақўрғондаги бугунги вазият, иқтисодий ислоҳотлару кадрларга бўлган муносабат кишини чуқур ўйга толдиради. Бир хўжаликда раиснинг беш марта алмашгани, янги раҳбарларнинг хасрати бу давримизнинг оғриқли, энди газак ола бошлаган нуқталаридир. Ва энг таажжубланарлиси, янги раислар ҳам қанча вақт ишлайди бу ҳам номаълум. Эртага туманга янги раҳбар келса ишни нимадан, қайси раисни алмаштиришдан бошларкин? Ҳозирча бу ёғи аниқ эмас. Аммо элда бир гап бор: дарахт бир жойда кўкаради. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Тошкентга қайтар чоғимиз бир деҳқон шундай деди: Бу қалтис масала. Раислик лавозими “юқори”нинг номенклатурасида туради. Раҳбар тез алмашаяптими, билингки, катталар ўйин қилаяпти... Путур ўша ёқдан кетган ука...

-“Юқори” деганингиз нимаси, - дедим ўзимни соддаликка олиб.

У вилоят марказини кўрсатди.

-Инсофни ўшаларга берсин. Ана шунда қаллоблик, хушомадгўйлик, раис бўламан деб ҳамёнини кўтариб атрофига одам йиғиб югурадиганлар бўлмайди.

Ҳайрон қолдим, бу гапдан. Ҳамроҳим эса кулди.

Тавба, элнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан-да...

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” махсус мухбири.**

# ИМКОНИЯТ, ТАШАББУС ВА ИСТИҚБОЛ

(Боши 1-бетда)

**Ғулом ОБЛОҚУЛОВ, Навбаҳор тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:**

- Иқтисодий фаолиятнинг негизини ташкил этувчи молиялаштириш тизимида ҳали ечилмаган муаммолар мавжуд. Пул-кредит сиёсати ислоҳотларни чуқурлаш-



тиришда, иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳозирча банк-кредит масалаларида тадбиркор ва фермерларни қониқтирмайдиган жиҳатлар мавжуд. Масалан, қишлоқ хўжалигида қилинган иш 8-9 ойдан кейин ўз самарасини беради. Банклар кредитни 24 дан 36 фоизгача устама билан беради. Ярим йилда устама 12 фоизга кўпаяди. Фермер банкдан олган кредитни вақтида тўлай олмай, қарзга ботади ва оқибатда иқтисодий таназзулга учрайди. Менимча, банклар кредитни қоплаш муддатини узайтириб, даврий қилиб бериши керак. Шундагина тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини янада ривожлантириш мумкин.

Иқтисодиётимизни юксалтириш, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш учун бизда жуда катта имкониятлар бор. Лекин улардан ҳозирча тўла фойдалана олмаётирмиз. Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ошириш керак.

Туманимизда Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликда қурилган "Бинтонет" қўшма корхонасида айнан маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Илгари саноат корхоналари учун жуда зарур бўлган ушбу маҳсулот мамлакатимизга чет элдан валютага сотиб олиб келинарди. Ушбу корхонани ишга тушириш орқали ҳам янги иш ўринлари юзага келди, ҳам туман иқтисодиёти юксалаётир. Бу йил қурилиб, ишга тушириладиган "Навоийтекс" корхонасида эса 850 иш ўрни яратилаётир.

Навбаҳор туманида йилига 30 минг тонна пахта етиштирилади. Шу вақтгача ушбу пахта 70 чақирим узоқликдаги заводга олиб бориларди. Транспорт чиқими етиштирилган пахта таннархини ошириб юборар, деҳқоннинг даромади ортиқча сарф-харажатга сарфланар эди. Ҳозирги кунда туманда пахтани қайта ишлаш корхонаси қурилиши бошланди. Насиб этса, бу йил деҳқонларимиз етиштирган пахтани ўзимизда қайта ишлаймиз.

Мен ушбу мисолни келтириш билан туманда уни қурдик, буни қураяпмиз деб мақтанмоқчи эмасман. Аввалламбор, иқтисодий ислоҳотларда маълум бир кутилган мақсадга эришиш учун унинг моддий-техник базасини яратиш керак, демоқчиман. Яъни, ишга солинмаган резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз керак. Қолаверса, мамлакатимизда танланган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари ҳам шуни талаб этади.

**Ўткир АБДУРАҲИМОВ, Тошкент вилояти, Чиноз тумани ҳокими:**

-Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришни ҳар жиҳат-



дан қўллаб-қувватлаш, фермерларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, молиявий иш юритишнинг услуб ва механизмларини ривожлантириш, шартномавий муносабатларда уйғунликни таъминлаш аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини таъминловчи асосий тамойиллардир. Қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар учун жуда катта имконият яратди. Натижада ширкат ва фермер хўжаликлари техникали бўлаётир. Бизнинг туманимиз ҳам ўтган йили 20 та трактор, (шундан 8 таси занжирли трактор) олди. Биз эндиликда кўпроқ занжирли трактор олишга ҳаракат қилаётирмиз. "Магнум" яхши трактор, қуввати юқори, қулай, лекин бу техника бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Ерни эзиб, қотириб юборади. Айниқса, пахтачиликда бу трактордан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Чунки пахта чуқур илдиз отмаса, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Деҳқон даромадининг баракаси учади.

Ўтган йили туманимизда пахтачиликда рентабеллик 11,9 ни ташкил этди. Албатта, бу жуда кам. 2,7 миллиард сўмга пахта сотдик, харажатлар 2,4 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни, 1 сўмга 1,19 тийин даромад олинди. Кўриниб турибдики, моддий манфаатдорлик жуда кам. Ахир ислоҳотлар нима учун ўтказилаётир? Ишловчининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун-ку. Паст моддий манфаатдорлик билан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириб бўлмайди. Яхши натижага эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасини ўз вақтида молиялаштиришни ташкил этиш керак. Траншлар ўз вақтида келмайди. Оқибатда ўғитга, ёнилғига ва МТП хизматларига вақтида пул тўлай олмай, хўжаликлар қарз бўлиб қолади. Ишда узилишлар бўлади.

**Неъматилло ХУДОЙБЕРГАНОВ, Элликқалъа тумани ҳокими:**

-Хорижий инвестицияларни жалб этиш чет эл капиталининг иштирокини кенгайтириш, аввалламбор, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш учун имконият яратади ва мамлакатнинг экспорт имкониятини оширади.

Ҳозирги кунда бизнинг туманимизда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган учта қўшма корхона фаолият кўрсатаётир.



2002 йилда 1415 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Бу йил эса Россия билан ҳамкорликда ёғочни қайта ишлайдиган қўшма корхонани ишга туширмоқчимиз. Кўпроқ қишлоқ туманларига инвестицияларни жалб этиш керак. Лекин ҳозирда инвестициялар катта шаҳарларда қолиб кетаётир. Қишлоқ туманларида ишчи кучи кўп, аммо иш ўринлари кам. Қишлоқ туманларининг иқтисодий ривожланиши анча суст. Бозор иқтисодиёти шароитида уларга ташқи кўмак керак. Берилган катта миқдордаги кредитлар, чет эл сармояси билангина қишлоқ туманларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши мумкин.

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва у ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланмоқда. Хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатлар яратилди. Жамиятимизда мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортиб бораётир. Ўтган йили 2610 та иш ўрнини кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини қўллаш орқали яратдик. Уларга турли тижорат банклари ва Жаҳон банкининг туманимиздаги агентлиги орқали 512 миллион сўмлик кредит берилди.

Лекин бир нарсани таассуф билан айтиш keракки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган одамларнинг ҳаммаси ҳам бозор иқтисодиёти шароитида қандай ишлаш кераклиги ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Баъзилари олган кредитларини ҳам тўлашга пул топа олмай, мушкул аҳволга тушиб қолишаётир. Балки бизнес билан шуғулланишга жазм қилганлар учун қисқа муддатли тадбиркорлар мактабларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар.

Кейинги йилларда туманнинг иқтисодий салоҳияти юксалиши бошқа масалаларга ҳам эътибор беришга имкон яратди. Ўтган йили Элликқалъа товар станцияси, 26 чақиримлик Бўстон канали қуриб ишга туширилди. Бир нечта овулда қишлоқ врачлик пунктлари фаолият бошлади. Ҳашар йўли билан еттита, шундан иккитаси иқтидорли болаларга мўлжалланган мактаб қурилаётир.

Айниқса, туманда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда тумандаги учта стадион, тўртта спорт зали, битта бассейн ва еттита теннис кортида йирик спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

**Муса АНОРБОЕВ, Мирзачўл тумани ҳокими:**

-Хусусий тармоқнинг юзага келиши, мулкчилик шаклининг ўзгариши кишиларда, аввалламбор, онгли равишда меҳнатга муносабатни ўзгартирди. Одамлар шўро даврининг асоратлари бўлган боқимандалик, ўзибўларчилик ва бошқа салбий иллатлардан халос бўлмоқда.

Лекин ҳали ҳам тадбиркорлар-



нинг бозор тамойилларини яхши билмаслиги ва профессионал малакага эга эмаслиги каби салбий ҳолатлар иқтисодий ислоҳотларнинг бироз суст бораётганлигига сабаб бўлаётир. Кўпроқ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, яъни жойлардаги мавжуд хом ашё ҳисобига ишлайдиган корхоналарни барпо қилиш керак. Шунингдек, ҳунармандчиликни ривожлантириш зарур. Ахир ота-боболаримиз моҳир тўқувчи, косиб, чилангар, уста наққош бўлишган-ку.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома муносабатлари асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқий шахс ва субъектларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан қонуний шартнома тузиши таъминланиши керак.

Лекин ҳозир бизда шартномаларнинг қонуний ижросини таъминлашни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунга сабаб, аввалламбор, кўпчиликда ҳуқуқий савод етишмаслигида. Шартноманинг бажарилмаслиги натижасида эса икки томоннинг ҳам манфаатига зиён етаётир.

Мирзачўл – қишлоқ тумани бўлгани учун тадбиркорлик соҳасида кўпроқ деҳқон-фермерлар фаолият кўрсатади. Асосан далада умри ўтган деҳқон бугун фермер – мулк эгаси бўлди. У экинни, ерни яхши тушунади. Тўғрисини айтиш керак, фермерлар ҳуқуқий саводсизлиги оқибатида кўп бор панд еб қолишаётир. Айниқса, шартномалар тузишда ёки уни бажариш масъулиятини ҳис қилмаслик яққол кўринади. Ўтган йили туманимизда пахтачилик билан шуғулланадиган 224 фермер пахта сотиш шартномавий режасини бажармади. Туман пахта тозалаш корхонаси хўжалик судининг қарори билан улардан 9126800 сўм жарима ундириб олди.

Туманда ҳозирги кунда фермерларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳуқуқшунослик бўлими фаолият кўрсатаётир.

**Парда МАДИЕВ, Сариосиё тумани ҳокими:**

-"Шартнома туздингми, уни бажар". Бу шиорга ҳамма амал қилсагина ишлаб чиқаришда қонун устувор бўлади. кишиларимиз аста-секинлик билан бўлса-да,



шартнома билан ишлашга кўникма ҳосил қилишаётир. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида шартномалар масаласи қонунчилик нуқтаи назаридан ҳал қилинган. Фақат томонлар унинг амалий ижросини таъминлаши, масъулиятини ҳис қилиши керак.

Бизнинг туманимизда пахта бўйича 524 та оила пудратчилари билан, ғаллачиликда 1001 та, сабзавотчиликда 75 та, мева бўйича 497 та, узумчилик бўйича 370 та оилавий пудратчилар билан шартномалар тузилган. Биз уларга фақатгина режа учун ишламаслик лозимлигини, асосий эътиборни меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, таннархни камайтиришга, иш ҳақини оширишга қаратиш кераклигини уқтирамиз. Бу йил ғаллачилик соҳасида туманимиздаги оила пудратчилари ўртача 60,5 центнердан, пахтачиликда эса 42,1 центнердан ҳосил кўтардилар. 1 гектар пахта майдонидан олинган даромад 532,9 минг сўмни ташкил қилди. Бунда ер ўз эгасини топаётганлиги, шартнома шартлари бажарилаётгани, оила пудратчиларининг манфаатдорлиги ошаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳурматли Юртбошимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "...ҳар қайси раҳбар ана шу талабларга интилиши, ана шу фазилатларга муносиб бўлиши учун ўзини доимо қийнаб яшаши, унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган халққа ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор" – деб таъкидлаган эди. Биз раҳбарлар бугунги кунда асосий эътиборни, шартнома шартлари тўлиқ бажарилишига эришиш, пудратчиларнинг шароитини яхшилаш, рентабеллик даражасини ошириш, баландпарвоз сўзлардан воз кечиб, эл-юртнинг дарди, ташвишлари билан яшашга интилишимиз керак, деб ўйлайман.

**Сайфулла ХАЙРУЛЛАЕВ, Қарши тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:**

-Биз жуда катта моддий ва маънавий бойликларга эгамиз. Фақат улардан оқилона фойдалана олмаяпмиз.

Мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Мавжуд имкониятларни ишга солиш, ташаббус ва намуна кўрсатишда раҳбар ходимлар олдинги сафда бўлишлари керак. Қаерда раҳбар ташаббуссиз ва масъулиятсиз бўлса, ўша ерда бирор-бир ижобий ўзгариш бўлиши даргумон.

Ҳозирги давр раҳбарлардан жуда кўп нарсани талаб қилади. У томонидан йўл қўйилган кичик бир хато ҳам кўплаб кишиларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Раҳбар юксак онгли, ақл-заковатли ва билимдон бўлиши керак, ўз халқини, ўз миллатини, тарихини, маънавий меросини, қадриятларини чуқур билиши, ўрганиши ва ҳурматлаши, унга амал қилиши керак. У сиёсий, иқтисодий, ижтимоий билимлардан тўлақонли хабардор бўлиши ва уни ўз фаолиятида қўллаб бориши керак. Юртимиздаги бошқа миллат ва элатлар, жаҳон халқлари маънавий хазинаси, илғор анъаналари, маданиятидан ҳам хабардор бўлиши ва уларни ҳурмат қилиши керак.

Миллий истиқлол маънавиятини ўрганиши, шарқона одоб-ахлоқ, кексаларга ҳурмат, камтарлик, ростгўйлик, инсонийлик,



Ватанга муҳаббат каби фазилатларга эга бўлиши зарур. Маънавий қадриятларимизни бойитиб бориши, истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг онгига сингдириши керак.

Дин халқимизнинг минг йиллик тарихи эканини, Баҳоуддин Нақшбандийнинг "дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" деган ҳикматига амал қилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида олиб бориши керак.

**Негмурод ПЎЛАТОВ, Бухоро тумани ҳокими:**

-Олиб борилаётган ҳар қанақа кучли сиёсат аввалламбор аҳоли манфаатларига хизмат қилиши керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб:

-аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш;

-янги иш ўринларини яратиш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

-пенсия ва нафақаларни миқдорини доимо кўриб бориш ва уни ўстиришга эътибор бериш;

-Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълим тизимига ўтиш бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини етарли билим ва малакага эга бўлган кадрлар билан тўлдириш ва ушбу коллеж ва лицейларни тугатган ёшларни кафолатли иш билан таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлашга эришиш;

-мактабларда ўқиш жараёнида, айниқса, қишлоқ мактабларида замонавий ўқув бинолари, синфхоналар қуриш ва уларни компьютерлаштириш, интернет тизими-



ни ташкил қилиш керак.

Бухоро туманида 52 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, бугунги кунда 80 фоиз мактабларимизда компьютер мавжуд. Туманда 3 та касб-ҳунар коллежи, 2 та лицей-интернат фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2 мингдан ортиқ ўқувчи билим олаяпти. 52 та умумтаълим мактабларида 26 минг ўқувчи ўқимоқда.

Вилоят ҳокимининг қарори асосида вилоятда, туманда "Мактаблар куни" белгиланган. Ўтган даврда мактабларнинг моддий базасида катта ўзгариш содир бўлди. Ўқитиш савияси юксалди, ҳар бир мактабга бир гектар ер ажратиб берилиб, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳимоялаш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, хонадонларда тадбиркорлик йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга эришиш лозим.

**Акбар ЖАМИЛОВ, Нарпай тумани ҳокими:**

-Жамиятимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнларини қонунлаштириш бўйича назарий жиҳатдан талайгина ишлар қилинди. Лекин уларни амалда қўллашда ҳали етарли тажрибага эга эмаслигимиз туфайли ўтказилаётган ислоҳотларда турли тўсиқлар ҳамон йўлимизга ғов бўлаётир.

Бу ўринда биринчи навбатда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий савиясини ошириш керак. Яъни ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша билиши ва ўз ҳақ-ҳуқуқини қаерда ва қандай ҳимоя қилишни билиши керак.

Кўпинча фуқаролар бизга ма-



ҳаллий ҳокимиятнинг вазифасига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат қилишади. Ўзаро келишмовчиликлар, мулк низолари, жиноятга алоқадор ишлар бўйича ҳокимликка шикоят ариза ёзадилар. Аслида бу ишлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шуғулланишларини ҳали ҳам англаб етмаётганлар бор.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хўжалик юритувчи субъектларни эркинлаштириш бўйича ҳам ҳуқуқий замин, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Лекин ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётирмиз.

Бу ўринда жамоатчилик ўртасида қонунчилик бўйича кенг миқёсда ҳуқуқий-тарбиявий ишлар олиб боришимиз керак. Бугун ҳар бир инсон фақат меҳнат қилишни эмас, қандай йўл билан (ноқонуний йўл билан эмас) кўпроқ фойда олишни ва шу йўл билан оиласининг турмушини фаровон қилиш йўлини ўрганиши керак. Халқ бой бўлса, мамлакат қудратли бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида биз айнан ана шу нақлга амал қилиб фаолият юритсак ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар кутилган самарани беради.

**Омон ХОЛБЕКОВ, Кува тумани ҳокими:**

-Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган бир



қанча тадбирлар ҳозирданоқ ўзининг ижобий самарасини бераётир. Энг аввало, қишлоқ хўжалигида мулк шаклининг ўзгариши ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришига олиб келди. Рақобатни юзага келтирди. Маҳсулотларни хом ашё сифатида эмас, тайёр маҳсулот сифатида тайёрлашга бўлган интилишни кучайтирди. Айниқса, деҳқонлар онгида ҳақиқий хўжайинлик, маҳсулотга эгалик туйғусини шакллантирди.

Лекин тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг барқарор ривожланишида ҳамон баъзи тўсиқлар учрайди. Ҳануз маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечолмаётирмиз. Хусусий мулк ва фермерларнинг ички ишларига қонунсиз аралашишлар, уларга кўрсатмалар бериш, уларнинг фаолиятини ортиқча текширишлар давом этаётир. Оқибатда хусусий мулк эгаларининг, фермерларнинг ўз ишларидан кўнгиллари совиб кетаётир.

Фермер фақат қонун асосида, шартнома бўйича ишлаши керак. Маҳсулот топшириш бўйича шартномавий режани бажардими, қолган маҳсулотга ўзи мустақил хўжайинлик қилиши лозим.

**Абдумавлон ИБОДУЛЛАЕВ, Мирзаобод тумани ҳокими:**

-Мен ҳозирги кунда туманларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларини уч тоифага бўламан. Биринчиси оёққа туриб ол-



ган фермерлар. Уларнинг етарли маблағи, ўз техникаси бор. Улар ички ва ташқи шартномалар билан ишлашни мукаммал эгаллаб олишган. Бу фермерлар бошқалар кўмагига муҳтож эмас.

Ўрта бўғин фермерлар – эндигина оёққа тура бошлаган фермерлар. Агар уларга техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа хизматлар бўйича озгина ёрдам берилса, яқин вақт ичида мустақил фаолият юритиб кетишлари тайин. Лекин уларнинг ички фаолиятига аралашмасдан туриб ёрдам бериш керак.

Учинчи тоифадагилар анча оғир шароитдаги фермер хўжаликлардир. Бу фермерлар зўрмазўраки ер олган деҳқонлар бўлиб, уларнинг ер майдонлари нари борса, 9-10 гектарни ташкил этади, холос.

Шунча ердан, айниқса, чўл шароитида олинган даромад билан бу фермерлар ҳеч қачон техника сотиб ололмайди. Демак, бу фермерларнинг келажакда ҳам оёққа туриб олишларига ишониш қийин.

Менимча, фермерлар учун камида 30-40 гектар ер ажратиш керак. Шундагина уларнинг техника сотиб олишга имконлари етади.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Мирзаобод тумани тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди. 2002 йил якуни бўйича 543 та фермер хўжаликлари 14 минг тонна ғалла, 6 минг тонна пахта, 3,5 минг тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар.

Туманда хўжаликлар фермер хўжаликларига айлантирилгач, харажатлар икки бараварга қисқарди.

**Раҳимбой МАТРАСУЛОВ, Гурлан тумани ҳокими:**

-Ҳар бир туман ўзига хос табиий, экологик, иқлим шароитига эга. Шу боис уларда ўша шароитдан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишнинг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуд бўлади. Гурлан – Хоразм воҳасининг шимолий-ғарбида жойлашган. Ҳатто, бизда ўрик Ҳазорасп туманига нисбатан 3 кун кейин гуллайди. Даларимиз Амударёга туташ. Шу боис экинлардан асосан пахта, шоли, буғдой, сабзавот ва полизнинг барча турлари экилади. Боғдорчилик ривожланган. Чорвачиликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Шулардан келиб чиқиб, хўжалик юритишнинг узоқ йилга мўлжалланган, ширкат хўжаликлари негизида оилавий пудрат усули, боғ ва узумзорларнинг бир ёки кўп йилга тендер асосида ишловчиларга бериш ҳамда аҳоли кам ҳудудларда фермер хўжаликлари ташкил қилиш усулларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Мазкур усуллардан, айниқса, оилавий пудрат усули қўл келмоқда. Оладиган фойдаси йил якунига, қанчалик маҳсулот топширишига боғлиқ эканини англаган ижарачи парваришни ўз вақтида ўтказишга, тежамкорликка ҳаракат қилади.

Биз ўтган йилдан бошлаб яхлит бир контурга битта бош пудратчи тайинлаб, бутун масъулиятини ундан сўраяпмиз. Бу дастлабки йилдаёқ ўзининг афзал томонларини кўрсатди.

Туманимизда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатган, катта тажрибага эга, ўз техника воситаси мавжуд бўлган, қисқаси, мустақил хўжалик юритиш имконига эга бўлган кишилар фермер бўлишмоқда. "Ганч", "Холис", "Собирхўжа", Гулиммат Ҳайтимметов номли фермер



хўжаликлари ихтиёрида 100-150 гектардан ортиқ экин майдони бўлиб, улар энг юқори ҳосил олишга эришаяптилар.

Шу билан бир қаторда, замон талабидан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон хўжаликлари ташкил қилишга ҳам аҳамият қаратаяпмиз. Ҳозирги кунда туманда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 15 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши – сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишидир.

Бунинг учун хом ашё муаммосини ҳал қилиш, кишилар дидига мос маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сота билиш керак.

**Муҳиддин ВАЛИЕВ, Уйчи тумани ҳокими:**

-Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмининг даромади ҳам, фаровонлиги ҳам ердан. Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ердан бугун қандай фойдаланяпмиз?



Негадир кейинги йилларда кўплаб суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетаётир. Кучли шўрланган ерлар ҳажми ортиб бораётир.

Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун аввало, ер тўғрисидаги қонунларни мукаммал билишимиз, ернинг ҳақиқий эгалигини таъминлашимиз зарур. Бонитет бали паст ерларни танлов асосида фермер хўжаликларига, қўлидан иш келадиган тадбиркор деҳқонларга бериш керак.

Ширкат хўжаликларида оила пудратчиларига ерларни контурлар асосида ажратиб бериш, ердан юқори ҳосил олишга эришганларни алоҳида рағбатлантириш лозим. Шунингдек, алмашлаб экишга жиддий эътиборни қаратиш, ерга маҳаллий ўғит ва бегона тупроқ киритиб, унинг бонитетини бойитиш керак.

Сувдан ҳам тежаб-тергаб фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам муаммоли масалалардан биридир. Ҳозирги кунда республикамизда бир гектар ерни суғориш учун 28 минг сўм харажат қилинаётир. Бу албатта, юқори кўрсаткич. Сувдан фойдаланишда тезроқ гидропостларни ташкил қилиш, сувдан фойдаланиш уюшмалари ролини ошириш лозим.

Агар биз биринчи навбатда ердан ва сувдан оқилона фойдалана олсак, аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда кутилган натижага эришишимиз аниқ.

**Ҳасанбой ХОЛБЕКОВ, Андижон тумани ҳокими:**

-Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий корхоналарни ташкил этиш, бу тизимнинг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиш ва уларнинг фаолиятини ҳар хил



текширувлардан ҳимоя қилиш бўйича 2002-2003 йиллар учун дастур қабул қилинган.

Ушбу дастур кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш,уларни ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Туманда ўтган йил якуни бўйича 1432 та тадбиркорлар ва фермерлар фаолият кўрсатди. Банклар томонидан уларга 384 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Эндиги асосий вазифа фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдир.

**Давра суҳбатини "Қишлоқ ҳаёти" мухбири Абдураззоқ КАРИМОВ ёзиб олди.**

***

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

